



**REALIAS, WORDS EXPRESSING NATIONAL IDENTITY,
CHARACTERISTICS OF THEIR RECREATION IN TRANSLATION**

Gofurova Sarvara Madaminjonovna

(Uzbekistan, Andijan)

shodyona2020@mail.ru

ABSTRACT

In this article, definitions, classifications and translations of national specific words - realias encountered in the lifestyle of representatives of different nationalities are given. In it, the difficulties that arise in the translation related to the words specific to one nation and the ways of effective actions of the repeated translator have been investigated with examples.

Keywords

realias, custom, term, transliteration, culture, the nation.

**РЕАЛИЯЛАР, МИЛЛИЙ ҲОСЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАР,
УЛАРНИ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ғофурова Сарвара Мадаминжоновна

(Ўзбекистон, Андижон)

shodyona2020@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада турли миллат вакиллари турмуш-тарзида учрайдиган миллий хос сўзлар – реалиялар таърифи, таснифи ва уларнинг таржималари берилган. Унда ҳар бир миллатга хос бўлган сўзлар билан боғлиқ таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва уларни қандай қилиб таржимон томонидан бартараф этиш йўллари мисоллар орқали ёритилган.

Калит сўзлар

реалиялар, урф-одат, атама, транслитерация, маданият, миллат.

Бугунги кунда амалий таржимага бўлган қизиқиш кескин равишда ошди. Бадиий таржимада аслият руҳини, моҳиятини англаш, матндаги турли туман элементларнинг лексик, фразеологик, грамматик, фонетик функцияларини тушуниб етиш, таржима тилида уларга ҳар томонлама мос муқобиллар топиш ғоят кўп қамровли ва мураккаб жараёндир. Бунда Л.С. Бархударов таъбири билан айтганда «икки турли хил тилларнинг лексик бирликлари ўртасидаги семантик муқобиллигини топиш муҳимдир».[2]



Шу нуқтаи назардан фақат маълум халқ турмуш тарзига, дунёқарашига, нарса ва предметларни аташдаги ўзига хос хусусиятлар, тушунчалар бошқа халқларникидан фарқ қилади. Бундай ўзига хосликлар шу халқнинг тафаккур қилиш шакли, хатти-ҳаракатлари, кийиниш русумлари, овқатланишлари, урф-одатлари ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Натижада фақат шу халққа тегишли бўлган турли хил тушунчаларни ифодаловчи сўзлар вужудга келадики, бу сўзлар англаган тушунчалар ўзга халқлар тилида мавжуд бўлмайди. Тилшуносликда, таржимашуносликда бундай сўзларни «реалиялар», «хос сўзлар» деб аташ қабул қилинган.

Реалияларнинг аниқ таърифи, уларнинг «атама»лардан фарқи, бошқа тилларга таржима қилишдаги ўзига хосликлар, улар ифодаладиган лексик, семантик, стилистик функциялар ҳалигача тилшунос ва таржимашунос олимлар томонидан турлича талқин қилиниб келинмоқда. Реалиялар ва уларни таржимада берилиши Ғ. Саломов, К.Жўраев, Р. Дониёров, Ю. Пўлатов, К. Мусаев, Р. Файзуллаева каби ўзбек олимлари томонидан ҳам атрофлича ўрганилган соҳадир.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда реалиялар атамалар, эквивалентсиз лексика, экзотик лексика, бегона сўз, варваризм, локализм, этнографизим, лакуна каби тушунчалар билан синоним сифатида ишлатилиб келинаётганлиги маълумдир. Илмий адабиётларда бир миллатга мансуб бўлган реалияларнинг ёки умуман хорижий сўзларнинг ўзга тилларга кўчиб қолиши биргина адабий алоқаларнинг, айниқса, таржиманинг ривожланишига боғлиқ эмас. Бу халқаро алоқаларнинг, сиёсий-тарихий, маданий воқеа ва ҳодисаларнинг ўзга халқлар дунёқарашига таъсири билан ҳам боғлиқ. Айнан шу туфайли масалан рус тили орқали ўзбек тилига, сиёсатга, динга, иқтисодга, фанга оид жуда кўплаб хорижий сўзлар, реалиялар сингиб кетган. Бу ўринда хорижий адабиётларнинг таржимаси орқали ўзбек китобхонларига кўпинча тушунарли бўлмаган, бошқа миллатларнинг турмушига, дунёқарашига хос бўлган кўплаб тушунчаларни ифодаловчи реалиялар кириб келаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шундай қилиб, таржимашуносликда ҳам реалиялар таржимаси ўзига хос йўналиши сифатида шакллана бошлади. Реалиялар таржимасида таржимонлар одатда икки хил қийинчиликка дуч келишади.

1. Таржима қилинаётган тилда хорижий тилда берилган реалияга мос келадиган эквивалентнинг мавжуд эмаслиги.

2. Аслият тилидаги реалия ифодалаган маъно, шу миллатга хос миллий, тарихий колоритни таржима қилинаётган тилда тўлалигича ифодалашнинг мураккаблиги.



Миллий реалияларни таржимада беришнинг энг самарадор усули транскрипция ва транслитерация бўлиб, у оригиналдаги хос сўзни тўлиқроқ ифодалаш имконини беради. Транслитерация усулидан одатда оригиналдаги миллий ўзига хос тушунча ифодалайдиган маъно таржима тилида мавжуд бўлмаган холларда фойдаланади. Масалан, денгизчиликка оид румпель, мачта, шкот, гавань, борт, битенг, вахта каби, балиқчиликка оид марлин, сардин, макрель, каракатица, бонита, албакоре, тунец, умбрица, мако, галано каби сўзларнинг барчаси рус тили орқали ўзбек тилига ҳам кириб келганки, ўзбек тилида уларга мос эквивалентлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, таржимон уларни транслитерация усулида беришга, матн остида изоҳ беришга мажбур. Айрим олимлар бундай сўзларни интернационаллаш-ган лексика деб атайдилар, ва улар таржима тили бойлигини оширишга хизмат қилади деб таъкидлайдилар.[1]

Реалияларни таржимада ифодалаган стилистик функциясини тўғри ифодалашнинг муҳим шартларидан бири контекстни тўғри тушунишдир.

Миллий реалиялар одатда фақат аслият тилига мансуб бўлган тушунчаларни ифодалайдилар. Масалан инглизча heath – ҳеч нарса ўсмайдиган ботқоқлик жойни, ale – шаффоф инглиз пивосини англатади. Шу жихатлари билан улар бир миллат яшайдиган территориянинг маълум бир бўлагида яшовчи аҳолининг ўзига хос тушунчаси бўлса, улар локал, микролокал, характерга эга бўладилар. Айнан мана шундай реалиялар таржимонда аслият тилидаги бу тушунчани теран англаб олишликни, шу жойга хос миллий, тарихий, ижтимоий сиёсий воқеликлардан яхши хабардор бўлишликни талаб қилади.

Интернационал реалиялар ижтимоий, сиёсий, маданий алоқалар туфайли бошқа тилларга ўтиб қолган сўзларни ифодалайдилар. Улар бундай холда ҳам миллий, маҳаллий колоритларини сақлаб қолишлиги билан характерланади. Масалан, инглизча cowboy – аслида «отлиқ бола» деган маънони англатади. Ҳозирги пайтда бу сўзлар кўпгина тилларга «ковбой» шаклида ўтиб, «кўрқув билмас», «авантюрист» - «саргузашт ишқибози» сифатида ўтиб интернационаллашган.

Дарҳақиқат иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар туфайли тилимизга кириб келган жуда кўп инглизча, русча, французча реалиялар аллақачон ўзлаштирилган сўзларга, луғат таркибимиздан мустаҳкам ўрин олган сўзларга айланиб қолган. Масалан:

Инглизча - сэр, мисс, гудбай, хелло:

Немисча - герр, бизнес, бизнесмен:

Французча - бонжур, мадам, мадмазель, фиакр, памидор, купе, фермер:



Русча - солдат, куртка, стакан, пружина, одеял каби сўзлар барча ўзбекларга тушунарли бўлган таниш лексикага айланиб кетган. Вахоланки, яқиндан бери тилимизга кириб келган дилер, менежер, маркетинг, гринхол каби сўзлар нотаниш сўзлар сифатида барчага тушунарли бўлмаслиги мумкин.[4]

Шунингдек, узунлик ўлчови хисобланмиш “inch” - «дюйм» сўзининг контекст орқали қандайдир ўлчамни ифодаланиши тушунилса ҳам, уни «бир тутам» деб ўгирилиши оригиналда ифодаланган 25,5 мм. узунлик ўлчови ҳақида нотўғри тасаввурга олиб келган.

Русча ва ўзбекча таржималарда «Янки» ютқизиши мумкин эмас», «Кливленд Хиндилари», «Детроит Йўлбарслари» каби иборалар учрайди. Инглиз китобхони бу атамаларни ўқиганиданок гап бейсбол командаларининг номлари эканлигини англайди. Бундай инглизча жумлаларни таржима орқали берган рус таржимонига эргашган ўзбек таржимони ҳам иборалар англаган контекстуал маънодан узоклашиб кетган, натижада ўзбек китобхони гап нима ҳақида кетаётганини қийинчилик билан англаши мумкин. Ўзбек китобхони «Пахтакор» ютипти» дейилса дарров миллий футбол жамоаси ҳақида гап кетаётганлигини тушунади. Бирок, «Янки» ютқизиши мумкин эмас» - дейилса бу футболми, волейболми, бейсбол жамоасими номаълум бўлиб қолади. Шу сабаб, инглизча контекстда қисқартириб берилган ибора маъносини ўзбекчада сўз қўшиш йўли билан «Янкилар» бейсбол жамоаси» деб ўгиришга тўғри келади.

Таржимада ишлатилган жуда кўп сўзларнинг ўзбекча муқобиллари мавжуд бўлгани холда, уларнинг русча эквивалентларидан фойдаланилганлиги бу ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини кўпайтириш учун эмас, балки адабий тил меъёрларини бузилишига олиб келиши мумкин. Масалан: вилка, программа, мороженное, сутка, салфетка, рефрежератор, тормоз, буксир, турист каби.

Тўғри бундай сўзлар рус тилининг таъсири туфайли ўзбек китобхонларига ҳам таниш тушунчаларни ифодалайди. Бирок, ўзбек адабий тилида улар ифодалайдиган санчки, дастур, музқаймоқ, бир кун, қўл сочиқ, музлатгич, тўхтатгич, сайёҳ каби лексик birlikлар мавжуд бўлгани холда русча атамаларни ишлатиш ғализ туюлади.[3]

Аслиятда ифодаланган миллий реалияни таржима тилига тушунарли ўгириш муаммоси хорижий муҳит ва шарт-шароитларни китобхон олдида очик ойдин жонлаштириш масъулиятини юклайди. Бирок, транслитерация орқали берилган сўз изоҳланмаса, тушунтирилмаса, китобхон тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар ва сўзлар баёнига тушунмай қолади. Бу ўринда транслитерация қилинган сўз контекст ичида тасвирланиб



тушунтирилиши, маъноси қавс ичида берилиши, ёки матн остида изоҳланиши мумкин. Бундай транслитерация асосли транслитерация дейилади. Асосли транслитерация китобхон тасаввурини бойитади, нутқ бойлигини, дунёқарашини кенгайтиради. Шундай қилиб, реалиялар таржима тилининг бойишига ҳам сабаб бўлади. Буларнинг барчаси аслиятда ифодаланган реалияларни китобхон кўз олдида айнан жонлантирадиган ифода воситаларини вужудга келишига ёрдам беради.

Фикримизча, уларни русчада ҳам, ўзбекчада ҳам инглизча транслитерацияларни бериб, матн остида изоҳлаш маъқул бўлади. Бирок, транслитерация орқали берилган сўз изоҳланмаса, тушунтирилмаса, китобхон тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар ва сўзлар баёнига тушунмай қолади. Бу ўринда транслитерация қилинган сўз контекст ичида тасвирланиб тушунтирилиши, маъноси қавс ичида берилиши, ёки матн остида изоҳланиши мумкин. Асосли транслитерация китобхон тасаввурини бойитади, нутқ бойлигини, дунёқарашини кенгайтиради. Шундай қилиб, реалиялар таржима тилининг бойишига ҳам сабаб бўлади. Буларнинг барчаси аслиятда ифодаланган реалияларни китобхон кўз олдида айнан жонлантирадиган ифода воситаларини вужудга келишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Ўқитувчи нашриёти, Т 1978.
2. Дониёров Р. Бадиий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масаласига доир. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. Т 1999.
3. Комиссаров В. Н. Слово о переводе. Москва 1973
4. Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. Ташкент 1972.